

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ САРДОР ДЖАЛИЛОВИЧ

***PRUNUS DOMESTICA L. VA RUMEX CONFERTUS*
ЎСИМЛИКЛАРИДАН БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАРНИ
АЖРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Махмудов Сардор Джалилович <i>Prunus domestica</i> L. ва <i>Rumex confertus</i> ўсимликларидан биологик фаол моддалар ажратиш технологиясини ишлаб чиқиш.....	3
Махмудов Сардор Джалилович Разработка технологии получения биологически активных веществ из растений <i>Prunus domestica</i> L. и <i>Rumex confertus</i>	21
Makhmudov Sardor Dzhaliilovich Development of technologies for obtaining biologically active substances from plants <i>Prunus domestica</i> L. and <i>Rumex confertus</i>	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ САРДОР ДЖАЛИЛОВИЧ

***PRUNUS DOMESTICA L. И RUMEX CONFERTUS*
ЎСИМЛИКЛАРИДАН БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАРНИ
АЖРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Т1270 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академик О. С. Содиков номидаги биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzicps.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сагдуллаев Баходир Тахирович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Содиқов Олим Зоирович
кимё фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Бекчанов Хамдам Кузиевич
фармацевтика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021-йил «___» ___ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек к., 77. Тел.: 71 262-59-13, факс 71 262-73-48, e-mail: ixrv@mail.ru)

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек к., 77. Тел.: 71 262-59-13, факс 71 262-73-48, e-mail: ixrv@mail.ru)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш. Ш. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Н. К. Хидирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.н., кат.и.х.

Э. Х. Ботиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда доривор ўсимликлар асосида биологик фаол кўшимчалар яратиш, уларни тиббиётга қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Меъда-ичак тизимида моддалар алмашинувининг бузилиши организмнинг меъерий фаолиятига тўсқинлик қилади. Социологик сўровномалар натижасига кўра, Ер шаридаги барча популяцияларнинг 2 фоизи сурункали қабзиятдан азоб чекади. Беморларнинг 12 фоизини катта ёшдаги инсонлар ташкил қилади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти келтирган маълумотларда, ҳар йили бутун дунёда 2 млрд диарея хасталиги билан оғриш ҳолатлари қайд этилади. Ҳар йили сайёрамизда ёши 5 дан кичик 2 млнга яқин гўдак диареядан вафот этади.

Жаҳон фармацевтика бозорида ошқозон-ичак касалликларини даволашга мўлжалланган кўплаб биологик фаол кўшимчалар ва фармацевтик дори воситалари мавжуд. Сенадексин (ВИФИТЕХ, РФ), Фитолакс (Эвалар, РФ), Бисакодил (Балканфарма дупница, Болгария), лоперамид (Верофарм, РФ), Эрсефурил (Санofi, Франция) кабилар бунга ёрқин мисол бўла олади. Лекин ЖССТ диарея учун фақат 2 та восита – лоперамид ва висмут субсалицилат асосидаги препаратларни тавсия қилади. Иккала препарат ҳам кимёвий моддалар асосида ишлаб чиқарилган. Ҳолбуки, доривор ўсимликлар кўплаб биологик фаол моддалар манбаи бўлгани сабабидан синтетик дори воситаларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Шунинг учун даволаш амалиёти ва касалликлар профилактикасида уларнинг ўрни бекиёс.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда маҳаллий ўсимликлардан дори субстанциялари, экстрактлар ва биологик фаол кўшимчалар олиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Юртимизнинг етакчи фармацевтик компаниялари томонидан чет элдан келтирилган субстанциялар негизида «Лактосорб», «Реолактосорб», «Лактулоза», «Стопдиар» ва бошқа препаратлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай субстанциялар ва препаратларни ишлаб чиқариш учун республикамизда ресурслар етарли ва имкониятлар катта. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсувчи доривор ўсимликлар хом ашёсидан меъда-ичак тизимини яхшиловчи биологик фаол моддаларни ажратишнинг рационал технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ушбу илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 16-сентябрдаги ПҚ-2595-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017-йил 7-февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»¹даги, 2019-йил 10-апрелдаги ПФ-5707-сон “2019-2021-йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармонларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли

¹ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017-йил, №6. ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» 4.2-банд, 9-бет.

бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология», «Маҳаллий табиий ва синтетик хом ашё асосида янги дори воситалари ишлаб чиқаришнинг юқори самарадор технологияларини ишлаб чиқиш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Prunus domestica* L. ва *Rumex confertus* Willd. ўсимликлари биологик фаол моддаларини ўрганишга кўплаб илмий-тадқиқот ишлари бағишланган.

Хорижий олимлар Muller-Lissner S. A., Kaatz V., Brandt W., Keller J., Layer P., McRorie J., Zorich N., Riccardi K., Bishop L., Filloon T., Wason S., Giannella R., Badary O. A., Awad A. S. томонидан меъда-ичак тизими касалликларини даволаш ва профилактикасида *Prunus domestica* L. мевалари полисахаридларининг биологик ва терапевтик фаолликлари ўрганилган.

Яқин хориж давлатлари олимларидан Куркин В. А., Зайцева Н. В., Авдеева Е. В., Даева Е. Д., Каденцев В. И., Кучеров Е. В., Язрикова Н. А., Серикова К. Н., Магерамов С. Г. *Rumex confertus* Willd. ўсимлиги кимёвий таркиби, биологик фаол моддаларини ажратиш ва уларнинг стандартизацияси, фармакологик фаоллиги бўйича илмий тадқиқот олиб боришган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017092910 «Юмшоқ тўқималар ва терини турли генезли жароҳатланишини даволаш учун ярим ўтказувчи ва биодеградацияланувчи жароҳат қопламаларини яратиш» (2018-2020йй.) амалий ва ЎзР ФА академик О. С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-6-ФА-Т031 «Сурги хусусиятига эга «Равонол» биологик фаол кўшимчасини серияли ишлаб чиқарилишини ташкил этиш» (2016-2017йй.) инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Prunus domestica* L. меваси ва *Rumex confertus* Willd. ўсимлигининг илдизи ҳамда ер устки қисмидан ошқозон-ичак тизими фаолиятини нормаллаштирувчи воситаларнинг субстанцияларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– *Prunus domestica* L. мевасидан полисахаридлар, *Rumex confertus* Willd. ерусти ва илдизидан ошловчи моддалар экстракциясига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш;

– «Равонол» ва «Румексин» биологик фаол кўшимчалари субстанцияларининг олиниш технологиясини ишлаб чиқиш;

– «Равонол» ва «Румексин» биологик фаол кўшимчалари субстанцияларини ишлаб чиқариш учун меъёрий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон худудида ўсадиган олхўри – *Prunus domestica* L. меваси ва доривор отқулоқ – *Rumex confertus* Willd. ўсимлигининг илдизи ва ер устки қисми олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўсимлик хом ашёсидан полисахаридлар ва ошловчи моддаларни экстракциясига таъсир қилувчи факторларни аниқлаш, экстракция параметрларини оптималлаш, экстрактларни тозалаш, олинган субстанцияларнинг фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда экстракция (қаттиқ жисм-суёқлик системасида), фильтрация, мембранали фильтрация, буғлатиш, чўктириш, қуритиш каби технологик усуллардан фойдаланилди. Экстракция параметрлари Бокс-Уилсон математик моделлаштириш усулида оптимизация қилинди. Хом ашё, оралик ва тайёр маҳсулот таҳлили хромато-масс-спектроскопия (GC/MS ва LC/MS), ИҚ-, УБ-спектроскопия, ЮССХ (HPLC) ва титрлаш усулларида олиб борилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– *Prunus domestica* L. меваларидан полисахаридлар, *Rumex confertus* Willd. ўсимлиги ерусти ва илдизидан ошловчи моддалар экстракциясига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

– *Prunus domestica* L. меваларидан ажратилган гемицеллюлоза фракцияси ҳамда *Rumex confertus* Willd. ўсимлиги илдизидан олинган экстрактни баромембранали фильтрация (ультрафильтрация) усулида тозалаш мақсадга мувофиқ деб топилган;

– илк маротаба *Prunus domestica* L. меваси полисахаридлари асосида «Равонол» ва *Rumex confertus* Willd. ерусти, илдизи ошловчи моддалари асосида «Румексин» биологик фаол қўшимчалари субстанцияларининг саноат технологияси ишлаб чиқилган;

- тайёр маҳсулотлардаги таъсир этувчи моддаларнинг сифат ҳамда миқдорий таҳлил (ИҚ-, УБ-спектроскопия, ЮССХ, титрлаш) усуллари ишлаб чиқилди, натижада таҳлил аниқлиги ошган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Равонол» ва «Румексин» биологик фаол қўшимчалари субстанцияларининг олиниш технологияси ишлаб чиқилди.

Олинган маҳсулотларнинг кимёвий ва биологик стандартизацияси амалга оширилди (фармакологик тадқиқотлар ЎзР ФА Биоорганик кимё институтида, токсикологик тадқиқотлар эса Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг 02.07.2018 йилдаги № 36-8/1415-сон йўлланмаси асосида ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академияси қошидаги олий ўқув юртлариаро илмий-тадқиқот лабораториясида ўтказилган).

Ишлаб чиқилган биологик фаол қўшимчалар учун товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига гувоҳномалар олинди («Равонол» MGU 35125/30.01.2019 й. ва «Румексин» MGU 42544/22.10.2021й.).

«Равонол» субстанцияси ва тайёр дори шаклини серияли ишлаб чиқариш учун МТХлар тўплами ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (техник

шартлар Ts 03535693-25:2017 O'ZSTANDART AGENTLIGI» даги қайд рақами №112/007370/06.10.2017 йил ва 13.12.2017 йил Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида тасдиқланган технологик йўриқнома ТИ 03535693-25:2017).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Субстанциялар ЎзР ФА О.С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институтининг субстанция ва қаттиқ дори шакллари тажриба-синов ишлаб чиқариш маркази технологик линияларида серияли ишлаб чиқарилди. Субстанциялар сифати ЎзР ССВ Тошкент тиббиёт академияси қошидаги аккредитациядан ўтган, олий ўқув юртлариаро илмий-тадқиқот лабораториясида текширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Prunus domestica L. меваларидан полисахаридлар, *Rumex confertus* Willd. ўсимлиги ерусти ва илдизидан ошловчи моддалар экстракциясига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

Prunus domestica L. меваларидан гемицеллюлоза ва *Rumex confertus* Willd. ўсимлиги илдизидан олинган экстрактни мембранали филтрация усулида тозалаш имкони мавжудлиги асосланган;

Олинган натижалардан биотехнология ва фармацевтик технология бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқотларда ҳамда таълим соҳасида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

«Равонол» БФҚ сининг саноат технологияси ЎзР Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти билан ҳимояланган (№ IAP 05804/05.04.2019 й.); Натижада ошқозон-ичак йўллари касалликларини даволаш ва олдини олиш учун қўлланиладиган, доривор ўсимликлар асосидаги воситаларнинг сонини ошириш имконини берган.

Rumex confertus Willd. ўсимлигидан ошловчи моддаларни ажратиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар негизида ЎзР Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти (№ IAP 06575/21.10.2021й.) олинган; Натижада хориждан импорт ҳисобига кириб келадиган субстанцияларни Республикамиз доривор ўсимликлар асосида маҳаллийлаштириш имконини берган.

«Равонол» воситасини ЎзР ФА О. С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институтининг субстанция ва қаттиқ дори шакллари тажриба-синов ишлаб чиқариш маркази технологик линиясида серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилган (ЎзР ССВнинг ишлаб чиқариш учун рухсатномаси №000335/13.11.2018й.). Натижада қабзият ва сурункали констипацияга қарши капсула дори шаклидаги биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 6 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди, инновацион (И-6-ФА-Т031) ва амалий (ПЗ-2017092910) лойиҳалар ҳисоботларида ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг

асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 таси халқаро ва 5 таси Республика журналларида нашр этилган. ЎзР нинг ихтиро учун 2 та патенти олинган, ишлаб чиқариш учун меъёрий-техник хужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулосалар, адабиётлар рўйхатлари ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этади. Диссертация таркибига 19 та жадвал ва 9 та расм киради. Адабиётлар рўйхати 267 та манбадан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Адабиётлар шарҳи**» бобида ошқозон-ичак тизими фаолиятини издан чиқарувчи касалликлар (тавсифи, статистикаси, терапияси ва бошқ.), ушбу касалликларни даволашда қўлланиладиган *Prunus domestica* L. ва *Rumex confertus* Willd. ўсимликлари, уларнинг кимёвий таркиби, халқ табобатида ишлатилиши, тарқалиш ареали ва Ўзбекистондаги захираси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Prunus domestica L. мевалари халқ табобатида ичакдаги салбий ўзгаришлар, хусусан дефекация ва ични юмшатиш билан боғлиқ муаммоларда қўлланилади. Меваларнинг ушбу терапевтик хоссаси уларнинг таркибида турли полисахаридлар мавжудлиги билан изоҳланади. Шунинг учун «Адабиётлар шарҳи»да полисахаридлар ҳақида маълумотлар берилган.

Rumex confertus Willd. ўсимлигининг ерусти қисми ва илдизидаги ошловчи моддалар диареяга қарши самарали таъсир кўрсатади. Шунинг эътиборга олган ҳолда, ошловчи моддалар, уларни ўсимлик хом ашёсидан ажратиш усуллари ва фармакологик фаоллиги ҳақида қисқача маълумотлар келтирилди.

Қўшимча сифатида, экстракция жараёнининг назарий асослари, доривор ўсимлик хом ашёсидан биологик фаол моддаларни ажратиш, моддаларни катта миқдорда ажратиш имконини берадиган экстрагент турлари, моддаларни ажратиш технологик жараёнини интенсификация қилиш усуллари, биологик фаол моддаларни тозалаш усуллари, хусусан, технологик жараёнларни «юмшоқ» шароитларда олиб боришга ёрдам берадиган мембранали филтрация ва бошқалар ҳақида маълумотлар умумлаштириб, баён қилинди.

Диссертациянинг иккинчи «*Prunus domestica* L. меваларидан «Равонол» биологик фаол қўшимчаси субстанциясини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» бобида *Prunus domestica* L. ўсимлик хом ашёсининг товаршунослик таҳлили, термик ишлов беришнинг оптимал режими, асосий моддаларнинг (сувда эрувчан полисахаридлар, пектин моддалари ва гемицеллюлоза) экстракциясига таъсир этувчи параметрларнинг оптимал қийматлари (экстрагент, хом ашёнинг майдалилик даражаси, жараён ҳарорати, хом ашё ва экстрагентнинг миқдорий нисбати, экстракция давомийлиги), «Равонол» биологик фаол қўшимчасининг субстанция технологияси, кимёвий ва биологик стандартизация ҳамда натижаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиниши баён қилинган. Тажрибалар сонини камайириш мақсадида Бокс-Уилсон бўйича математик моделлаштириш усулидан фойдаланилган. Моделлаштириш хом ашёдаги полисахаридларни экстракция жараёнига таъсир этувчи технологик параметрларнинг оптимал нисбатини танлаб олиш имконини берди.

1-жадвал


Prunus domestica L. меваларидан сувда эрувчан полисахаридлар, пектин моддалари ва гемицеллюлозани ажратиб олинишига таъсир этувчи параметрларнинг оптимал қийматлари

Сувда эрувчан полисахаридлар ва пектин моддалари экстракцияси	
<i>Оптимальный экстрагент</i>	Лимон кислотасининг 3% сувли эритмаси (рН-2,0)
<i>Хом ашёнинг майдалилик даражаси</i>	2-5 мм
<i>Экстракция давомийлиги</i>	1- экстракция 2,5 с, 2-экстракция 2,0 с, 3-экстракция 1,5 с
<i>Ҳарорат</i>	80°C
<i>Гидромодуль</i>	1:7
Гемицеллюлоза экстракцияси	
<i>Оптимальный экстрагент</i>	NaOH 5% сувли эритмаси
<i>Экстракция давомийлиги</i>	1-экстракция 2,0 с, 2-экстракция 1,5 с, 3-экстракция 1,5 с
<i>Ҳарорат</i>	50°C
<i>Гидромодуль</i>	1:8
<i>Экстрактни тозалашга ишлатилган ультрафилтрацион мембрананинг говаклари ўлчами</i>	1 нм

1-жадвалда сувда эрувчан полисахаридлар, пектин моддалари ва гемицеллюлозанинг ўсимлик хом ашёсидан ажралиб чиқишига таъсир этувчи

асосий параметрларнинг тажриба йўли билан топилган оптимал қийматлари кўрсатилган.

«Равонол» биологик фаол қўшимчасининг *Prunus domestica* L. мевалари асосида ишлаб чиқилган субстанция технологияси баёни
 Технологиянинг аппаратура схемаси 1-расмда тасвирланган.



1, 15-қуриткич шкаф, 2-майдалагич, 3-техник тарози, 4-иситгич ва аралаштиргич билан таъминланган экстрактор, 5, 6, 7, 9, 12-ўлчагичлар, 8-сиқилган инерт газ манбаи, 10-гемицеллюлоза экстрактини нейтраллаш учун идиш, 11-модуль ва мембранали фильтр, 13-сувда эрувчан полисахаридлар ва пектин моддалари, гемицеллюлозани чўктириш учун идиш, 14-вакуум-буғлатгич аппарат, 16-қурук кукунлар учун қориткич.

1-расм. «Равонол» биологик фаол қўшимчасининг *Prunus domestica* L. мевалари асосида ишлаб чиқилган субстанция технологиясининг аппаратура схемаси.

Хом ашёни тайёрлаш. Инфрақизил қуритиш усулида 40-45°C ҳароратда (1) қуритилган *Prunus domestica* L. мевалари майдалагичда (2) 2-5 мм катталиқда майдаланади ва техник тарозида (3) 100 кг тортилади ҳамда экстракторга (4) юкланади. Майдаланган хом ашё устига «ойнасимон юза» ҳосил бўлгунича 100 л 82% этил спирти (5) қуйилади ва 3 сутка давомида хона ҳароратида қуйи молекуляр ва липофил компонентлардан холи бўлгунича қолдирилади, даврий равишда аралаштириб турилади. Олинган спиртли ажратма қайта ишлатиш учун регенерация қилинади.

Сувда эрувчан полисахаридлар ва пектин моддаларини ажратиш. Экстракторга (4) лимон кислотасининг 3% сувли эритмаси (рН=1,5-2,0) (6) қуйилади ва 3 марта 80°C ҳароратда 4,5 с (2,0 с, 2,0 с ва 1,5 с) экстракция қилинади, умумий гидромодуль 1:7 (1:5, 1:1 ва 1:1). Олинган экстрактлар филтрланади, бирлаштирилади ва вакуум буғлаткич аппаратда (14) ёки роторли буғлаткичда 1/10 қолгунича қуюлтирилади. Концентрат (13) устига 96% этил спирти (12) 1:3-5 нисбатда солиб чўктирилади, чўкма филтрланади ва инфрақизил қуриткичда (15) 40-45°C ҳароратда куруқ масса ҳосил бўлгунича қуритилади. Қуритилган маҳсулот кукун ҳолига келгунича майдаланади. Сувда эрувчан полисахаридлар ва пектин моддаларининг чиқиш унуми дастлабки хом ашё массасига нисбатан 10% дан кам бўлмайди. Экстрактордаги шрот лимон кислотаси қолдиқларидан тозалаш учун ичимлик суви билан ювилади.

Гемицеллюлозани ажратиш. Сувда эрувчан полисахаридлар ва пектин моддаларини ажратишдан қолган шрот сув билан ювилганидан сўнг ундан гемицеллюлоза олинади. Экстракторга (4) NaOH 5% сувли эритмаси (7) қуйилади ва 3 марта 50°C ҳароратда 5,0 соат (2,0 с, 1,5 с ва 1,5 с) давомида экстракция қилинади, умумий гидромодуль 1:8 (1:5; 1:2 ва 1:1). Олинган экстрактлар филтрланади, бирлаштирилади, бошқа идишга (10) ўтказилади ва хлорид кислотасининг 5% сувли эритмаси (9) билан нейтралланади. Идишнинг (10) бир штуцери инерт газ манбаига (8), иккинчи штуцер модулга (11) уланади. Модулга ғовақларининг номинал ўлчами 1 нм бўлган 10К мембрана ўрнатилади ва зич беркитилади, инерт газ манбаининг (8) редуктори 350-400 кПа гача очилади. Экстракт умумий ҳажмининг 1/10 қолгунича концентрланади. Сўнгра концентрат (13) устига 1:3-5 нисбатда 96% этил спирти (12) солиб чўктирилади, чўкма филтрланади ва инфрақизил қуриткичда (15) 40-45°C ҳароратда куруқ масса ҳосил бўлгунича қуритилади. Қуритилган маҳсулот кукун ҳолига келгунича майдаланади. Ишлатилган шрот утилизация қилинади. Гемицеллюлозанинг чиқиш унуми дастлабки хом ашё массасига нисбатан 2% дан кам бўлмайди.

Барча полисахаридлар куруқ кукунлар учун кориштиргичда (16) ажратилган пропорцияда аралаштирилиб, тайёр субстанция олинади. Субстанциянинг умумий чиқиш унуми дастлабки хом ашё массасига нисбатан 12%.

Биологик фаол қўшимча субстанциясининг миқдорий таҳлили ва чинлиги ЎзР ФА биоорганик кимё институтининг сифатни назорат қилиш бўлимида аниқланган. Хом ашё ва охирги маҳсулот таҳлил қилинди.

Олинган намуналарнинг фармакологик фаоллиги ЎзР ФА Биоорганик кимё институтининг фармакология ва биологик фаол моддалар скрининги лабораториясида аниқланган. Тажриба натижаларига кўра, энг самарали доза 250 мг/кг деб топилди.

«Равонол» биологик фаол қўшимчасининг токсикологик синовлари Тошкент тиббиёт академиясининг олий ўқув юртлариаро илмий-тадқиқот лабораториясида (аккредитациядан ўтган) ўтказилди. Синовлар давомида ҳайвонларда ўлим ҳолатлари кузатилмади. Шундай қилиб, «Равонол» биологик фаол қўшимчаси заҳарлилик даражасига кўра IV синфга (кам заҳарли модда) мансублиги аниқланди.

«Равонол» биологик фаол қўшимчасининг технологияси ЎзР ихтиро учун патенти билан ҳимояланган (№ IAP 05804/05.04.2019 й. «Маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида сурги хусусиятига восита ва уни олиниш усули»), товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига гувоҳнома MGU 35125/30.01.2019 й. олинди, МТХ тўплами (техник шартлар Ts 03535693-25:2017 ва технологик йўриқнома ТИ 03535693-25:2017) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

ЎзР ФА Биоорганик кимё институти субстанциялар ва қаттиқ дори шакллари тажриба-синов базасида «Равонол» биологик фаол қўшимчасини серияли ишлаб чиқариш ташкил этилди (янги биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш учун ЎзР ССВ рухсатномаси, №000335 / 13.11.2018 й.).

2-жадвал

«Равонол» БФҚ субстанциясидаги оғир металллар миқдори ва уларни рухсат этилган концентрациялар билан таққослаш

Металл	Рухсат этилган концентрация, мг/кг	«Равонол» БФҚ субстанциясидаги концентрация, мг/кг
Мишьяк – As	3,0	0,134
Кадмий – Cd	1,0	0,023
Симоб – Hg	1,0	0,628
Кўрғошин – Pb	5,0	0,822

«Равонол» биологик фаол қўшимчасининг озучавий хавфсизлигини аниқлаш мақсадида, субстанциянинг микро- ва макроэлементлар таркиби таҳлил қилинди. 2-жадвалда таҳлил натижалари ифодаланган. Таҳлил «Perkin Elmer» фирмасининг NEXION-2000 ускунасида ўтказилган. Таҳлил

натижаларига кўра, субстанциядаги оғир металллар миқдори меъёрий хужжатларда кўрсатилган қийматлардан юқори эмаслиги аниқланди.

3-жадвал

«Равонол» БФҚ субстанциясини ишлаб чиқаришнинг моддий баланси

Сарфланди		Олинди	
Хом ашё	Миқдор, кг	Маҳсулот, йўқотишлар ва чиқиндилар	Миқдор, кг
1. <i>Prunus domestica</i> L. мевалари	100,0	Тайёр маҳсулот: 1. «Равонол» БФҚ субстанцияси	10,15
2. Ичимлик суви	1870,29	Йўқотишлар:	2,0
3. Этанол, 96%	650,25		
4. Лимон кислотаси	10,8	2. Этанол	1870,29
5. NaOH	40,5	3. Ичимлик суви	10,8
6. HCl	20,0	4. Лимон кислотаси	40,5
		5. NaOH	20,0
		6. HCl	
		Этанол (ҳайдал.)	630,65
		Чиқиндилар:	
		7. Данаклар	8,0
		8. Уринган мевалар <i>Prunus domestica</i> L.	7,0
		9. Мева банди	1,0
		10. Моносахаридлар балласти	12,95
		11. Шрот	78,5
ЖАМИ:	2691,84	ЖАМИ:	2691,84

Диссертациянинг учинчи боби «*Rumex confertus* Willd. илдизи ва ерусти қисмидан олинган «Румексин» биологик фаол қўшимчасининг субстанция технологиясини ишлаб чиқиш» га бағишланади.

Мазкур бобда хом ашё тавсифи, уни тайёрлаш, товаршунослик таҳлили, хом ашё экстракциясига таъсир этувчи технологик параметрлар, ошловчи моддаларни ажратиб олиш жараёнини математик моделлаштириш, фармако-токсикологик тадқиқот натижалари, кимёвий стандартизация ва ишлаб чиқаришни технологик босқичлари бўйича назорат қилиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар учун тўлиқ пишиб етилган *R.confertus* Willd. ўсимлигининг илдизи ва ерусти қисми ишлатилди. Ерусти қисми июль, илдизи ноябрь ойида йиғилди. Майдаланган хом ашё 3-5 см қалинликда ёйилиб, хона ҳароратида (ёки ШС–80-01 СПУ қуриткич шкафида 40-50⁰С ҳароратда) қуритилди.

Товаршунослик таҳлили натижалари 4-жадвалда кўрсатилган.

4-жадвал

R. confertus Willd. алоҳида қисмлари миқдорий нисбатини тадқиқ қилиш натижалари

Ўсимлик қисмлари	Ўсимликнинг умумий массаси, г	Масса, г	Намлик, %	Миқдорий нисбати, %
Уруғ	79,7	18,11	8,1	22,7
Поя		22,26	6,7	27,9
Барг		19,71	8,2	24,7
Илдиз		19,63	6,6	24,6

5-жадвал

Rumex confertus Willd. ўсимлиги илдизи ва ерусти қисмидан ошловчи моддаларнинг экстракциясига таъсир этувчи параметрларнинг оптимал қийматлари

Илдиз экстракцияси	
<i>Оптимал экстрагент</i>	50% этил спирти
<i>Хом ашёнинг майдалилик даражаси</i>	2,5-5 мм
<i>Экстракция давомийлиги</i>	1-экстракция 4 с, 2-экстракция 4 с, 3-экстракция 2 с
<i>Ҳарорат</i>	70 ⁰ С
<i>Гидромодуль</i>	1:5
<i>Экстрактни тозалашга ишлатилган ультрафилтрацион мембрананинг зоваклари ўлчами</i>	0,1 нм
Ерусти қисми экстракцияси	
<i>Оптимал экстрагент</i>	50% этил спирти
<i>Хом ашёнинг майдалилик даражаси</i>	2,5-5 мм
<i>Экстракция давомийлиги</i>	1-экстракция 4 с, 2-экстракция 4 с, 3-экстракция 2 с
<i>Ҳарорат</i>	70 ⁰ С
<i>Гидромодуль</i>	1:5

«Румексин» биологик фаол кўшимчасининг таъсир этувчи моддалари ошловчилардир. Ўсимлик барглари ва илдизида конденсацияланган ҳамда гидролизланадиган, уруғида эса фақат конденсацияланган ошловчи моддалар мавжуд.

Ўсимликнинг турли қисмлари кимёвий таҳлил қилинди, унга кўра пояда 0,6%, уруғида 11,41%, илдизида 22,09%, баргида 15,21% ошловчи моддалар борлиги аниқланди. Ошловчи моддаларнинг миқдорий таҳлили перманганометрия усулида ўтказилди.

Хом ашё экстракцияси жараёнини ўрганиш натижасида оптимал экстрагент ва технологик параметрларнинг оптимал қийматлари танлаб олинди. Тажриба натижалари 5-жадвалда ифодаланган.

***Rumex confertus* Willd.** илдизи ва ерусти қисмидан олинган «Румексин» биологик фаол кўшимчасининг субстанция технологияси баёни

Олинган илмий натижалар асосида «Румексин» биологик фаол кўшимчаси субстанциясининг саноат технологияси ишлаб чиқилди.

Технологиянинг аппаратура схемаси 2-расмда кўрсатилган.

Хом ашёни тайёрлаш. Тарозида (2) хом ашё илдизидан 20,5 кг, ерусти қисмидан ҳам 20,5 кг тортилади.

Хом ашёдаги намлик 6-8% бўлиши керак.

Кимёвий таркиби хилма-хил эканлигини инобатга олиб, хом ашёнинг ерусти қисми ва илдизи алоҳида экстракция қилинади.

Ерусти қисми экстракцияси. Иситгич билан таъминланган металл экстракторга (4) 20 кг майдаланган хом ашёдан солинади ва 70°C ҳароратда 50% этил спирти билан 3 марта экстракция қилинади, умумий гидромодуль 1:5 (1:3, 1:1 ва 1:1). Экстракция давомийлиги – 10 соат (4 с, 4 с ва 2 с).

Экстрактлар экстрактор сохта тубига жойлаштирилган бўз филтрдан ўтказилади. Этанол регенерациясидан сўнг шрот утилизация қилинади.

Филтрланган экстрактлар вакуум-буғлатгич аппаратда (8) 60-65°C ҳароратда ва 0,08-0,09 МПа вакуумда умумий ҳажмининг 1/10 қисми қолгунича қуюлтирилади.


Концентрат аралаштиргичли идишга (11) олинади ва устига 1:3 нисбатда этилацетат (10) солинади, 50-60 дақиқа аралаштирилгандан сўнг 12 соатга қолдирилади. Сувли қисми канализацияга тўкилади, этилацетат қисми эса 60-65°C ҳароратда вакуум-буғлатгич аппаратда (8) умумий ҳажмининг 1/10 қисми қолгунича қуюлтирилади.

Қуюлган концентрат устига 1:3-5 нисбатда экстракцион бензин (9) қуйилади ва ошловчи моддалар йиғиндиси чўктирилади. Чўкма филтрланади, 45°C дан юқори бўлмаган ҳароратда қуритилади (12).

Барча ишлатилган органик эритувчилар регенерация қилинади.

Илдиз экстракцияси. Хом ашё илдизининг экстракцияси ерусти қисми билан деярли бир хил олиб борилади; экстракторга жами 100 л 50% этил спирти қуйилади (60 л, 20 л ва 20 л), экстракция давомийлиги 10 соат (4 с, 4 с ва 2 с), ҳарорат 70°C.

Экстракция тугаганидан кейин шротдан этил спирти регенерация қилинади. Ишлатилган шрот утилизация қилинади.



2-расм. *Rumex confertus* Willd. ерусти ва илдизидан олинган «Румексин» биологик фаол кўшимчаси субстанциясининг аппаратура схемаси: 1, 12–куриткич шкаф, 2–техник тарози, 3–майдалагич, 4–исистгич билан таъминланган экстрактор, 5, 9, 10–ўлчагичлар, 6–ультрафилтрацион мембрана ўрнатилган модуль, 7–инерт газ манбаи, 8–вакуум-буғлатгич аппарат, 11–ошловчи ажратиш учун идиш, 13–қурук кукунлар кориштиргич.

Спиртли ажратма балласт моддалардан ультрафилтрация усулида тозаланади. Босим 0,4-0,5 МПа, мембрана типи 1К (6). Филтрат (пермеат) вакуум-буғлатгич аппаратда (8) 60-65°C хароратда ва 0,08-0,09 МПа вакуумда умумий ҳажмининг 1/10 қисми қолғунича буғлатилади. Концентрат таркибидаги ошловчи моддаларни этилацетат билан экстракция қилиб олиш

хамда уларни экстракцион бензин билан чўктириш жараёни хом ашёнинг ерусти қисми билан бажарилгани каби бир хил амалга оширилади. Барча ишлатилган органик эритувчилар регенерация қилинади.

Тайёр субстанцияни олиш. Хом ашё илдизи ва ерусти қисмидан олинган ошловчи моддалар куруқ кукунлар учун мўлжалланган кориштиргичда (13) аралаштирилади ва субстанция тайёр ҳолга келади. Субстанциянинг чиқиш унуми 1,34 кг.

б-жадвал

«Румексин» БФҚ субстанциясини ишлаб чиқаришнинг моддий баланси

Сарфланди		Олинди	
Хом ашё	Миқдор, кг	Маҳсулот, йўқотишлар ва чиқиндилар	Миқдор, кг
1. <i>Rumex confertus</i> Willd. илдизи	20,5	Тайёр маҳсулот: 1. «Румексин» БФҚ субстанцияси	1,34
2. <i>Rumex confertus</i> Willd. ерустки қисми	20,5	Йўқотишлар:	
2. Ичимлик суви	100,0	2. Ичимлик суви	100,0
3. Этанол, 96%	94,68	3. Этанол	8,2
4. Этилацетат	15,0	4. Этилацетат	1,5
5. Экс. бензин	10,0	5. Экс. бензин	1,8
		6. <i>Rumex confertus</i> Willd. илдизи	0,5
		7. <i>Rumex confertus</i> Willd. ерустки қисми	0,5
		Этанол (ҳайд.)	86,48
		Этилацетат (ҳайд.)	13,5
		Экс. бенз. (ҳайд.)	8,2
		Чиқиндилар:	
		8. Шрот	38,66
ЖАМИ:	260,68	ЖАМИ:	260,68

«Румексин» биологик фаол қўшимчаси субстанцияси таркибидаги ошловчи моддалар миқдори 20% дан кам бўлмаслиги керак.

«Румексин» субстанциясининг ишлаб чиқариш назорати ЎзР ФА Биоорганик кимё институти сифатни назорат қилиш бўлимида олиб борилган. Хом ашё (ўсимлик илдизи ва ерусти қисми), олинган экстрактлар ва охирги маҳсулотдаги ошловчи моддалар таҳлил қилинди. Тайёр маҳсулот таркибидаги ошловчи моддаларнинг миқдорий таҳлили 280 нм да ЮССХ, чинлиги эса УБ-спектроскопия усулида 275 нм да ўтказилди.

Олинган намуналарнинг ични қотириш хоссаси ЎзР ФА Биоорганик кимё институтининг фармакология ва биологик фаол моддалар скрининги лабораториясида аниқланган. Тадқиқот натижаларига кўра, суткалик доза 1 г деб топилди.

Токсикологик тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академиясининг олий ўқув юртлариаро илмий-тадқиқот лабораториясида олиб борилди. Ҳайвонларда ўлим ҳолати кузатилмади. Шунга кўра, захарлилик даражаси бўйича «Румексин» воситаси V синфга (деярли захарсиз модда) мансублиги аниқланди.

Ишлаб чиқилган технология асосида ихтиро учун ЎзР патенти № IAP 2020 0447, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига гувоҳнома MGU 42544/22.10.2021 олинди, МТХ лойиҳаси тайёрланди.

«Румексин» биологик фаол қўшимчасининг озуқавий хавфсизлигини аниқлаш мақсадида субстанциянинг микро- ва макроэлементлар таркиби таҳлил қилинди. 7-жадвалда таҳлил натижалари ифодаланган.

7-жадвал

«Румексин» БФҚ субстанциясидаги оғир металллар миқдори ва уларни рухсат этилган концентрациялар билан таққослаш

Металл	Рухсат этилган концентрация, мг/кг	«Равонол» БФҚ субстанциясидаги концентрация, мг/кг
Мишьяк – As	3,0	0,289
Кадмий – Cd	1,0	0,029
Симоб – Hg	1,0	0,053
Қўрғошин – Pb	5,0	0,752

Таҳлил «Perkin Elmer» фирмасининг NEXION-2000 ускунасида ўтказилган.

Таҳлил натижаларига кўра, субстанциядаги оғир металллар миқдори меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган қийматлардан юқори эмаслиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор *Prunus domestica* L. мевалари асосида ични юмшатиш хусусиятига эга «Равонол» биологик фаол қўшимчаси субстанциясининг sanoat технологияси ишлаб чиқилган ва ЎзР ихтиро учун патенти № IAP 05804 /05.04.2019 билан ҳимояланган.
2. «Равонол» биологик фаол қўшимчасини серияли ишлаб чиқариш учун МТХ (Ts 03535693-25:2017 ва ТИ 03535693-25:2017) ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига гувоҳнома (MGU 35125/30.01.2019) олинган, ЎзР ССВнинг рухсатномаси (№000335/13.11.2018) олинган.
3. *Rumex confertus* Willd. ўсимлиги илдизи ва ерусти қисмидан антидиарея хоссасига эга «Румексин» биологик фаол қўшимчаси субстанциясининг sanoat технологияси (ЎзР ихтиро учун патенти № IAP 06575/21.10.2021 билан ҳимояланган) ишлаб чиқилган, техник шартлар ва технологик инструкция лойиҳалари тайёрланган, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига гувоҳнома MGU 42544/22.10.2021 олинган.
4. Субстанциялардаги асосий таъсир этувчи моддаларнинг сифат ҳамда миқдорий таҳлил қилиш усуллари таклиф қилинган, субстанцияларнинг озуқавий хавфсизлиги исботланган.
5. *Prunus domestica* L. меваларидан олинган гемицеллюлоза экстракти ва *Rumex confertus* Willd. ўсимлиги илдизи экстрактларини мембранали ультрафилтрация усулида тозалаш таклиф этилган.
6. Тошкент тиббиёт академияси қошидаги олий ўқув юртлариаро илмий-тадқиқот (аккредитациядан ўтган) лабораторияси базасида «Равонол» ва «Румексин» субстанцияларининг барча турдаги токсикологик синовлари ўтказилган, ижобий хулосалар олинган ва субстанцияларнинг фармакологик фаоллиги аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ
РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

МАХМУДОВ САРДОР ДЖАЛИЛОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ БИОЛОГИЧЕСКИ
АКТИВНЫХ ВЕЩЕСТВ ИЗ РАСТЕНИЙ *PRUNUS DOMESTICA* L. И
*RUMEX CONFERTUS***

02.00.10 – Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD/Т1270.

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии имени академика А. С. Садыкова Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.uzicps.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Сагдуллаев Баходир Тахирович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Садиков Алим Заирович
доктор химических наук,
ведущий научный сотрудник

Бекчанов Хамдам Кузиевич
кандидат фармацевтических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 при Институте химии растительных веществ АН РУз. (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: 71 262-59-13, факс 71 262-73-48, e-mail: ixrv@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ АН РУз (регистрационный номер № _____). Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: 71 262-59-13, факс 71 262-73-48, e-mail: ixrv@mail.ru

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2021 года.

(реестр протокола рассылки № «___» от _____ 2021 года).

Ш. Ш. Сагдуллаев

Председатель Научного Совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н. К. Хидирова

Ученый секретарь Научного Совета по присуждению
ученых степеней, к.х.н., с.н.с.

Э. Х. Ботиров

Председатель Научного Семинара при
Научном совете присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность исследования. На сегодняшний день чрезвычайно актуально создание биологически активных добавок на основе лекарственных растений и их применение в медицине. Изменение метаболизма веществ в желудке и кишечнике человека вызывает нарушение в нормальной деятельности организма. Результаты проведенных социологических опросов показывают, что хроническим запором на Земле в среднем страдают около 12% взрослого населения от 2% всей популяций. В соответствии с данными Всемирной Организацией Здравоохранения, каждый год во всем мире регистрируется около 2 млрд случаев диареи. Ежегодно от диареи погибает около 2 млн детей.

В мировом фармацевтическом рынке существуют множество пищевых биологически активных добавок и фармацевтических лекарственных средств для лечения и профилактики болезней ЖКТ (Сенадексин (ВИФИТЕХ, РФ), Фитолакс (Эвалар, РФ), Бисакодил (Балканфарма дупница, Болгария), лоперамид (Верофарм, РФ), Эрсефурил (Санофи, Франция)). Однако, ВОЗ для лечения, к примеру, диареи рекомендует только 2 препарата – лоперамид и субсалицилат висмута. Эти препараты производятся из известных химических соединений. Следует отметить, что природные вещества лекарственных растений имеют ряд преимуществ перед синтетическими. Поэтому их роль в лечебной практике и профилактике заболеваний неопределима.

В последние годы в Узбекистане проводятся глубокие научные исследования по разработке технологии фармацевтических субстанции, растительных экстрактов и биологически активных добавок на основе местных лекарственных растений. Для лечения и профилактики болезней ЖКТ ведущими фармацевтическими компаниями нашей Республики выпускаются такие препараты, как «Лактосорб», «Реолактосорб», «Лактулоза», «Стопдиар». Анализ статистических данных, показывает, что основная доля препаратов, которые нормализуют функции ЖКТ импортируется из дальнего зарубежья несмотря на то, что растительное лекарственное сырье для их производства имеются в достаточном количестве, произрастает почти повсеместно и несложно культивируется. В связи с вышесказанным чрезвычайно важным является разработка рациональной технологии получения субстанции на основе биологически активных веществ из лекарственного растительного сырья, нормализующих функции ЖКТ, произрастающих на территории Республики Узбекистан.

Данная диссертационная работа направлена на решение задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2595 «О программе мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности на 2016-2020 годы» от 16 сентября 2016 года, Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»¹ от 7 февраля 2017 года, №

¹ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., №6. УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» п.4.2. с. 9.

УП-5707 «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли Республики в 2019-2021 годах» от 10 апреля 2019 года и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики VI «Медицина и фармакология» ППИ-11 - «Разработка высокоэффективных технологий производства новых лекарственных средств на основе местного природного и синтетического сырья».

Степень изученности проблемы. Ряд научных исследований посвящены изучению биологически активных веществ из растений *Prunus domestica* L. и *Rumex confertus* Willd.

Так, зарубежными учеными Muller-Lissner S. A., Kaatz V., Brandt W., Keller J., Layer P., McRorie J., Zorich N., Riccardi K., Bishop L., Filloon T., Wason S., Giannella R., Badary O. A., Awad A. S. изучена биологическая и терапевтическая роль полисахаридов плодов *Prunus domestica* L. при лечении и профилактике желудочно-кишечных заболеваний.

Учеными из стран ближнего зарубежья, такими как, Куркин В. А., Зайцева Н. В., Авдеева Е. В., Даева Е. Д., Каденцев В. И., Кучеров Е. В., Язрикова Н. А., Серикова К. Н., Магеррамов С. Г. проведены исследования по изучению химического состава различных частей растения *Rumex confertus* Willd., получению биологически активных веществ из растения *Rumex confertus* Willd., стандартизации и определению фармакологической активности выделенных соединений.

В данной диссертационной работе из растений *Rumex confertus* Willd. и *Prunus domestica* L. получены субстанции БАДов «Равонол» и «Румексин» способствующих нормализации деятельности желудочно-кишечного тракта.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.

Данное диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских работ института биоорганической химии АН РУз по инновационному гранту И-6-ФА-Т031 «Организация серийного производства биологически активной добавки «Равонол» обладающей слабительными свойствами» (2016-2017 гг.) и МНИЛ при ТМА по гранту прикладных исследований ПЗ-2017092910 «Разработка полупроницаемых и биodeградируемых раневых покрытий для лечения повреждений кожных покровов и мягких тканей различного генеза» (2018-2020гг.).

Целью исследования является разработка технологии получения субстанции растительных средств «Равонол» из плодов *Prunus domestica* L. и «Румексин» из корней и надземной части *Rumex confertus* Willd., способствующие нормализации деятельности желудочно-кишечного тракта.

Задачи исследования заключаются в следующем:

- определение основных факторов, влияющих на процесс экстракции полисахаридов из плодов *Prunus domestica* L. и суммы дубильных веществ из корней и надземной части *Rumex confertus* Willd.;
- разработка технологии получения субстанций БАДов «Равонол» и «Румексин»;
- разработка нормативно-технической документации на производство субстанций БАДов «Равонол» и «Румексин».

Объектами исследования являются лекарственные растения *Prunus domestica* L. (слива домашняя) и *Rumex confertus* Willd. (конский щавель), произрастающие на территории Республики Узбекистан.

Предметом исследования является изучение и оптимизация процессов экстракции действующих веществ, их очистка, определение фармакологической активности и токсичности, выделенных из объектов исследования соединений.

